



Ishonch

МОХИЯТ

Спорт ёшларни турли иллатлардан қайтарди-ган, ҳал қилувчи аҳами-ятта молик энг яхши воситалардан биридир. Спорт билан шуғуллан-ган йигит-қизларнинг саломатлиги яхши, фикри тинч бўлади, улар оилада соғлом турмуш тарзини шакл-лантиришга ёрдам беради.

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Болалар спорти:

Асосий мақсад — соғлом авлодни вояга етказиш

Аввал хабар қилинганидек, Президент Ислом Каримов раислигида 10 март куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спорти ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур кенгаш аъзолари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, Президент девони ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спорти ривожлантириш жамғармаси маблаглари ҳисобидан аввал барпо этилган болалар спорти объектларининг ҳозирги ҳолати ҳақидаги, 2010 йилда болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш Дастури тўғрисидаги масалалар қўриб чиқилди.

Куйида Ҳомийлик кенгаши йиғилишининг баёни эълон қилинмоқда.

1. Ҳомийлик кенгаши Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ориповнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спорти ривожлантириш жамғармаси маблаглари ҳисобидан аввал барпо этилган болалар спорти объектларининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш натижалари тўғрисидаги ахборотини тинглаб ва танқидий муҳокама қилиб, тайёрланган материалларни қайта ишлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Комиссия (А.Орипов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда икки ҳафта мuddатда жойларга чиқиб, болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини яна бир бор танқидий таҳлил қилсин. Бунда болалар спорти объектларининг фаолият кўрсатиш самарадорлигини баҳолашнинг қуйидаги мезонларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратсин:

спорт билан оммавий шуғулланиш болалар ва ўсмирларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиш камрови даражасини ошириш. Бунда умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари (касб-хунар коллежлари ва академик лицейлари) ўқувчиларининг умумий сони асос қилиб олинсин;

ўрнатилган нормативлардан келиб чиқиб, болалар спорти объектларининг спорт ускуналари ва инвентарлари билан жиҳозланиш даражаси;

болалар спорти объектларининг тасдиқланган нормативларга мувофиқ, юқори малакали, профессионал даражада тайёрланган мураббийлар ва таълим муассасаларида жисмоний тарбия ўқитувчилари, жумладан, хо-

тин-қиз мураббийлар билан тўлдирилгани;

спорт объектларидан фойдаланиш даражаси — бир кун ва ҳафта давомида турли спорт турлари билан мунтазам шуғулланиш соатлари, ўтказилган спорт тадбирлари сони ва бошқалар;

спорт билан шуғулланиш самарадорлиги — республика ва халқаро мусобақаларда 19 ёшгача бўлган спортчи болалар ва ёшлардан совриндорлар сони.

Комиссия ўтказилган таҳлил натижалари бўйича, уларни танқидий баҳолаш билан бирга, болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, мазкур иншоотларни тасдиқланган нормативларга мувофиқ замонавий спорт ускуналари ва инвентарлари билан жиҳозлаш, юқори малакали мураббий кадрлар билан таъминлашга доир аниқ тақлифлар киритсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев): бир ой мuddатда Болалар спорти ривожлантириш жамғармаси маблаглари ҳисобидан қурилган, алоҳида жойлашган 178 намунавий болалар спорти объектларининг баланс эгаларини қайта қўриб чиқиш бўйича тақлиф киритсин ва бундан кейин улардан талаб даражасида сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш устидан назоратни кучайтирсин.

Алоҳида жойлашган спорт иншоотларидан самарали фойдаланмаслик республика ва вилоятлар спорт федерациялари вилояти қонқарсиз

эканини белгилувчи кўрсаткич ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва бошқа манфаатдор идора ҳамда тузилмалар билан биргаликда икки ҳафта мuddатда хотин-қиз мураббийларнинг базавий ойлик маошига 15 фоиз миқдорда қўшимча ҳақ белгилаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (С.Бекенов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Б.Ходиев), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (А.Жабборов), Халқ таълими вазирлиги (А.Мараҳимов) 2010/2011 ўқув йилида олий ўқув юрталарига қабул қилиш режасини шакллантиришда хотин-қизлардан юқори малакали мураббийлар ва жисмоний тарбия ўқитувчилари тайёрлашни кенгайтиришни назарда тутсин.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Икромов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда вилоятлар, шаҳар ва туманлар кесимида болаларнинг спорт билан шуғулланиши уларнинг жисмоний ҳолатига, касалланишининг камайишига таъсир этиш кўрсаткичлари бўйича мониторинг тизимини ишлаб чиқсин ва жорий этсин, шу асосда спортнинг муайян турлари билан шуғулланишни кенгайтириш ва спорт машғулотларининг оғирлик даражаси бўйича асосланган тавсиялар тайёрласин.

6. Иқтисодиёт вазирлиги (С.Бекенов), Халқ таълими вазирлиги (А.Мараҳимов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Икромов), «Ўзстандарт» агентлиги (А.Абдувалиев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

республикада болалар спорти объектларининг футбол, волейбол, баскетбол, гандбол ва теннис тўпларига бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқ таъминлаш учун уларни ишлаб чиқаришни 2010 йилнинг 1 сентябригача йўлга қўйиш; малакатимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарларини чакана савдо тармоқлари орқали аҳолига сотишни ташкил этиш; (Давоми 2-бетда)

Баркамол авлод — мамлакат келажаги



Наманган шаҳридаги агротадбиркорлик касб-хунар коллежидан 1600 нафардан зиёд йигит-қиз агрономия, ветеринария, мева-сабзавот махсуслотларини ишлаб чиқариш, дастлабки ишлов бериш ва сақлаш технологияси, солиқ ва солиққа тортиш, молия, бухгалтерия ҳисоби, ҳўжалик ҳўқуқий фаолияти, иқтисодиёт, банк иши каби ўн бир йўналиш бўйича тахсил олмоқда. Замонавий қиёфа касб этган мазкур таълим муассасида ўқувчи-ёшларнинг юксак педагогик технологиялар асосида билим ва кўникмаларини ошириши, ўз салоҳияти ва ижодий имкониятларини намоён этиши учун барча шартлар яратилган. Бу ерда маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этиш, ёшларнинг ҳўқуқий ва тиббий маданиятини юксалтириш, уларни спортга кенг жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат

Навоий вилоят касба уюшмалари фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Мирзохид Солиқов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Президентини ва ҳўкумати томонидан олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, жумладан, касба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар, мамлакатни 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида, ижтимоий ҳаётда амалга оширилиши қўтилайётган улкан ишларда касба уюшмаларининг ўрни тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди.

Масъуллик

Сўнгги йилларда юртимиз иқтисодиётида, аҳоли турмуш даражасини ошириш соҳасида эришилган ютуқларни оммага етказиш борасида касба уюшмаларида имкониятдан, жумладан, ҳозир бошланган ташкилотларда бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайловлар жараёнидан тўлиқ фойдаланилиши лозимлиги ҳақида алоҳида сўз юритилди. Шундан келиб чиққан ҳолда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини ба-жаришда касба уюшма аъзоларининг фаол иштирокини таъминлаш, ходимлар, айниқса, ёшлар ўртасида миллий ғоя тарғиботи, ёшларни турли мафкуравий ҳўружлардан химоя қилиш, уларнинг бўш вақтини сермазун ташкил этиш бугунги кунда касба уюшмалари олдидagi энг долзарб вазифалардан бири эканлигига эътибор қаратилди. (Давоми 2-бетда)

Касба уюшма ходимлари

ахборот технологияларини ўрганмоқда

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиалида вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда тармок касба уюшма ташкилотларининг масъул ходимлари учун компьютер савдоҳилигини ошириш бўйича курслар ташкил этилди.

Машғулотлар Президентимизнинг «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги фармойиши ҳамда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгашининг «Касба уюшмалари тизимида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» қарорини амалга ошириш мақсадида ташкил этилди.

Унда 75 ходим ўч гуруҳга бўлиниб, 24 соатлик ўқув дастури асосида малакасини оширди. Иштирокчилар информатика технологиялари, «Microsoft word», «Microsoft excel» дастурлари ҳамда интернетта улашиш, электрон почта билан ишлаш ҳақида маълумотга эга бўлдилар.

Ўқув курсларини тамомлаганларга ТАТУ Фарғона филиалининг гувоҳномалари топширилди.

Б.ДАДАЖОНОВ, Фарғона вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари

Марказий Осиёда ягона



Президентимизнинг «Дехқонобод калийи ўғитлар» заводи қурилиши-ни тезлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан бунёд этилаётган иншоот лойиҳасининг инвестиция қиймати 123,67 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Жумладан, тоғ-кон мажмуаси 56 миллион, қайта ишлаш мажмуаси эса 43,9 миллион доллар миқдорда белги-ланган.

— Корхона ҳудуди 35 гектар майдонни эгаллайди, — дейди қурилиш дирекциясининг бош технологи Баҳодир Бойназаров.

— Тоғ-кон мажмуаси Ҳўжаипок қишлоғи яқинидаги Тепакўтон ясси тоғ-лиги бағрида барпо этилаётган. Бу ерда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фондининг маблаглари ҳисобидан 18,74 миллион долларлик техника ва асбоб-ускуналар ҳамда қурилиш материаллари олиб келинган. Айни пайтда иншоотда 250 нафар ишчи ва мутахассис, 40 та қурилиш техникаси ишлатилаётган.

Россиянинг «ЗУМК» (Фарбий Урал машинасозлик концерни) инжиниринг компаниясининг мутахассиси, объектнинг ер остидаги комплекс буйича бош муҳандиси Сергей Красиловни кизгин иш устида учратдик. (Давоми 2-бетда)

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

Иқтисодиётимизнинг қон томири

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил якуни ва 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида ютқубоимиз ҳар бир тармокни тараққий эттиришда ўша соҳага жалб этилаётган ҳоҳиш, инвестицияларнинг роли катта эканлигига тўхталиб, сармоялар ҳажмининг янада ошириш инвестиция соҳасидаги долзарб йўналиш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ушбу кўрсаткичга амал қилган ҳолда «Ўзбекистон темирйўллари» давлат акциядорлик темирйўл компанияси ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданок тармокни ривожлантириш учун чет эллик ҳамкорлар билан фол иш қўриб боради. Натижада, йўл ҳўжалиги корхоналарига Австрия, Франция ва Россияда ишлаб чиқарилган замонавий техника, шунингдек, кичик механизмлар олиб келинди. Осиё тараққиёт банки сармояси ҳисобидан Келес-Самарқанд-Бўхоро оралигидаги 661 километрик йўл қайта тикланди.

Ўзбекистонда ягона темирйўллар тармоғини шакллантириш мақсадида «Навоий-Учкудук-Султон Увайстог-Нукус» ва «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темирйўл линиялари бунёд этилди. Кейинги қурилиш лойиҳаси учун Япония халқаро ҳамкорлик банкининг 151,5 млн. АҚШ доллари миқдоридagi кредит маблагни сарф-ланди.

«Тошкент-Самарқанд», «Тошкент-Хўжакент» йўналишлари электрлаштирилди. «Тўқимачи-Ангрен» линия-



(Давоми 2-бетда)

Розун синдроми

ҳар бир давлат ўз миллий манфаатини ҳимоя қилади

Экологик келишув — тинчлик, дўстлик ва барқарорлик кафолатидир.

Тожикистон раҳбариятининг Роғун гидроэлектр станцияси қурилишини қайтадан бошлаш тўғрисидаги қарори туйғули буғун минтақавий экологик мувозанатнинг бузилиш ҳавфи ҳар қачонгидан кескин тус олди.

Бетараф хорижий экспертларнинг таъкидлашича, лойиҳа эскирган бўлиб, 40 йил аввал тўғон қайда жойлашиши ҳисобга олинмай, туз қатлами устида тикланиши режалаштирилган эди. Юмшоқ туз-тупроқ қатламнинг ювилиб кетиши эса тўғоннинг ўпирилиши ҳамда оғирбордаги сувнинг тошиб чиқиши ҳавфини тўғдиради. Боз устига тўғон йирик Илоқ-Вахш тектоник ёғини устида жойлашган. «Гидропроект» очик акциядорлик жамияти директори Сергей Жигаревнинг асосланган ҳулосасига кўра, ёрилиш ҳудуди зилзила эҳтимол тутилган жой сифатида гоят хатарли бўлиб, ерости силкинishi 9 балдан ортиқроқ бўлиши, бу эса фожияли оқибатларга олиб келиши мумкин. Роғун ГЭСи иншооти учун танланган жой Вахш тизмасининг энг юксак — олтинчи погонаси ҳисобланиб, Вахш дарёси юқори оқими бўйлаб Нурек ГЭСидан 70 километр масофада жойлашган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, олтинчи тўғонда юз бериши эҳтимол тутилган ўпирилиш қудрати ва вайронкор кучи оқибатида қуйидаги бешта тўғон ҳам ишдан чиққандан кейинги экологик фалокат кўлами ҳеч бир мезонга сикмайди. (Давоми 2-бетда)

Дехқонобод калий заводи қурилишида

Муносабат

«Ботаника санаторийси» масъулияти чекланган жамият маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

*Барча тортдошларимиз ва соҳа ходимларини
Баҳор байрами — Наврўз билан туборакбод
этади ва ушбу санаторийда дам олиб,
даволанишга таклиф қилами.*

Санаторий Тошкент шаҳридан 30 километр узоқликда, денгиз сатҳидан 570 метр баландликда жойлашган. Иқлими континентал. Кўёшли кунларнинг кўплиги, қуруқ ва мусалффо ҳаво иқлим билан даволашга ғоят қулай. Термал хлорид-гидрокарбонат натрийли сувлари ичишга, ванналар ва душлар учун, ичакни чайиш ҳамда меъдани ювиш мақсадида қўлланилади. Маъданли сувлар юрак-қон томирлари, асаб тизимлари, ошқозон-ичак йўллари фаолиятини яхшилашга кўмаклашади, артериал қон босими кўтарилишининг олдини олади. Жиззах вилоятининг Балиқли кўлидан келтирилган шифобахш балчиқдан беморларни даволашда фойдаланилади. Бундан ташқари электронур, даволаш жисмоний тарбияси, уқалаш, психотерапия, игна-рефлексотерапия, лазеротерапия, гидроаэроионизация, озекериот-парафин, пархез овқатланиш даволаш мақсадларида қўлланилади. Турли-туман фиточой ва витаминли коктейллар тайёрлаш учун фитобар мавжуд. Зарур клиник ва биохимик лаборатория, ултратовушли ташхислаш усуллари ҳамда даволаш юқори даражага етган. Ётоқ бинолари бир ва икки ўринли шинам хоналарга эга. Санаторийда болалар ва ота-оналар, қариялар бўлимлари мавжуд. Кутубхона, клуб, стол тенниси, билиард ва дискотек клуб дам олувчилар хизматида. Саёхатлар уюштирилади. Бу ерда чойхона, суратхона, эркаклар ва аёллар сартарошхонаси, алоқа бўлими, автотранспорт турар жойи ва бошқа турдаги хизматлардан фойдаланишингиз мумкин. Санаторийимизга хуш келибсиз! Манзилимиз: Тошкент вилояти, Қибрай тумани. Телефакс: 8(37095) 61761



«Бўстон санаторийси»

масъулияти чекланган жамият
маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

Соҳа ходимларини Наврўз айёми
билан чин қалбдан қутлайди ва
мазкур сиҳатгоҳда дам олиб,
даволанишга таклиф этади.

Санаторий Тошкент шаҳридан 30 километр нарида, Зах каналнинг бўйида, денгиз сатҳидан 450 метр баландда жойлашган. Худудда барпо этилган мевали дарахтлар, гуллар ва узумлари бўлган улкан боғ киши эътиборини ўзига тортади. 350 ўринли санаторий юрак - қон томир, гинекология ва урология касалликлари билан оғриган беморлар учун даволаш диагностика базасига эга. Бу ерда электронур, балчиқ билан даволаш, магнитерапия, лазеротерапия, даволаш бадантарбияси, уқалаш (массаж) муваффақиятли равишда қўлланилмоқда. Таҷрибали стоматологлар сизни оғриқдан халос этади ва тишингизни янгилашингизда сизга ёрдам беради. Беморлар санаторийнинг замонавий диагностика жиҳозларида текширувдан ўтиш имконига эга бўладилар. Сиҳатгоҳ маъмурияти дам олувчиларнинг бўш вақтларини ташкил қилишга ҳам алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Хусусан, ёзги ва қишки клуб, катта китоб фондига эга бўлган кутубхона, ёзги бассейн, мусиқий салон, чойхона ишлаб турибди. Тошкент, Чирчиқ шаҳарларига, шунингдек, Чорвоқ ва Чимёнга мунтазам равишда саёхатлар ташкил қилинади. Шифо масканимизга хуш келибсиз! Манзилимиз: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Спорт кўчаси, «Бўстон» санаторийси. Тел.: 8(37071) 5-43-11, 5-49-97, 5-49-90.



Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши

Ватандошларимизни
яшариш ва янгилашни
тантанаси — Наврўз
билан қутлайди.
Баҳор олиб келган
қувончлар
бардавом бўлсин.
Хонадонлардан
тўкинлик аримасин.
Кўклам сувларидек
жўшқинлик,
бинафшадек
беғуборлик барчага
ёр бўлсин!



УЙҒОҚ ФИКР

Тарих ардоқлаган жой

Агар бу дарага тил битса, шу тор йўлдан не-не буюк зотлар ўтгани ҳақида сўзлаган бўларди. Тарихнинг гувоҳлик беришича, бу ерга 5 минг йил илгари ибтидоий одамларнинг қадами теккан бўлиб, шундан бери инсон қадами узилмайди.

Шоҳу гадо, донишманду файласуф ҳам энгашиб турган харсанглардан ҳатто бир дона тош зарраси тушмаслигидан хайратга тушади. Дунёнинг етти мўъжизаси билан бемалол рақобат қила оладиган табиатнинг ноёб ҳодисаси олдида ҳаёл суради. Ёзувчи Саид Аҳмад таъкидлаганидек, «Бу тоғлардан қилич уйратиб Темури, юлдузларга кўл чўзиб Улуғбек, Уйга толиб Навоий, ғуссага ботиб Бобур, фарёд чекиб Машраб ўтган».

Шоҳ ва шоир Бобурнинг «Бобурнома» асарида бу жой ҳақида: «Кеч номозиғар Илон ўтидан ўтиб, от ўлтириб, этни пешлаб кабоб қилиб, отларимизни лаҳза тиндириб, отландик. Ул фурсатда Дизакта Хофиздўлдойнинг ўғли Тоҳирдўлда ҳоқим эди... Уч-тўрт кун Дизакта истироҳат қилдук...».

Бир умр Ватан соғинчи билан яшаган бобомизнинг шоҳасарида «Илон ўтти», «Дизак» деган сўзларни учратишимиз бу заминнинг нақадар қадимий, инсоният тамаддунига катта ҳисса

қўшган кентлардан эканидан дароллат беради. Буни академик Яхё Фуломов ҳам ўз асарларида таъкидлайди.

Бу ер Буюк Ипак йўлининг асосий тармоғи ўтгани, савдотик каби муҳим ишларни амалга оширишда катта имкониятлар очгани, салтанатни шарқий томондан муҳофаза қилишда асосий

зулмидан вайрон бўлган шаҳарлар қад тиклади. Жиззах унинг ихтиёрига ўтган эди».

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида табиий дарвозанинг тошларига исм-фамилияларни ёзмалик ҳақида «Гулистон» журналида чиқиш қилган эдик. Бунга маҳаллий идора қилиш ташиқлотларидан назоратча олингани ҳақида расмий хат ҳам

монда Ўзбекистон темир йўлларининг шохобчалари жойлашган. Ўртада тезоқар Сангзор дарёси! У шовуллаб, кўксимизга «насим муш»дай мусоффо шабадасини нисор айлаётгандай.

Дарани зиёрат қилганлар шохид: бу ерда ҳар қарич ер ҳисобда. Унинг икки томони қоя тошлардан иборат. Бу қоялар ёмғир, қор сувларида уваланмайди. Шунинг учун ҳам қоятошлардан тош кўчибди, деган маълумотларга дуч келмадик. Бинобарин, табиат марҳаматидан очик осмон остидаги табиий музей сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўларди. Тўғри, мутасадди ташкилотлар аралашуви билан тош деворлар қилинди, Самарқанд томондан келаверишдаги йўлнинг



аҳамият касб этгани билан характерланади.

Искандар Зулқарнайн ҳам, Чингизхон ҳам даранинг метинлиги бу ерда яшовчи одамларга таъсир қилганини сезган...

Амир Темури даврида бу дарага бўлган муносабат ўзгарди. «Маҳалла» жангармаси Жиззах вилояти бўлими бошқаруви раиси Муқом Хасанов «Маҳалла гурунги» китобида шундай ёзди: «Айниқса, Соҳибқирон Амир Темури замонасида (Жиззахда — П.Т.) жуда улкан бунёдкорлик, савдо-тижорат ишлари рўй берди. Мўғуллар

олинган эди. Лекин минг афсуски, қояларга ёзиш тўхтатилмади. Тошларга турли рангдаги бўёқлар чаплаш кўпайса-кўпайдики, камаймади.

Келин-кўёвлар бу табаррук жойда расмга тушиб, мўъжиза қаршида пок ниётлар қилаётди. Бирок ҳар йили экилган арчалар сувсизликдан қовжираб қолаётди, чорва моллари табиятга зиён етказаяпти. Билмаймиз, бу лоқайдлик қачонгача давом этар экан?...

Даранинг бир томонидан Тошкент-Термиз йўли, иккинчи то-

монидан Тошкент-Термиз йўли, иккинчи то-

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Аёл
Аёлсиз бир кунни тасаввур қилдим,
Чамансиз булбулни тасаввур қилдим.
Аёлсиз дунёнинг эртаси йўқдир,
Кечасиз бугунни тасаввур қилдим.

Ҳар уйнинг эркак ҳам бекаси бўлсин,
Ҳаётнинг бугун ҳам эртаси бўлсин.
Эркакни дунёнинг кўрғоғи десак,
Аёл шу кўрғоғининг эрхаси бўлсин.

Совға
Кўнги олмоқ учун минг йилдан буён
Одамлар муносиб совға излайди.
Бир тансиқ нарсаса дуч келса, шу он
Энг яқин кишининг номин эслайди.

Қайдадир эгасин қутар шайланиб,
Астойдил қидирсанг, топурсан бешак.
Онажон, дунёни етти айланиб,
Зўр совға топмадим меҳримдан бўлак.

Менга меҳрин тутаётганлар
Меҳр — дилда очилган ғунча,
Кўпдир уни кутаётганлар.
Меҳрибонсиз, саҳийсиз бунча,
Менга меҳрин тутаётганлар!

Билмам, менга сиз ким бўласиз,
Оғир кунда қўшним бўласиз,
Туғишганим — иним бўласиз,
Менга меҳрин тутаётганлар!

Баъзан ғамдан эгилса бошим,
Елкангизга тўкилар ёшим,
Сиз оғамсиз, олам, сирдошим,
Менга меҳрин тутаётганлар!

Онам бўлиб бошим силaysиз,
Отам бўлиб оқ йўл тилaysиз,
Аммо исминини ҳам билмайсиз,
Менга меҳрин тутаётганлар!

Чой тутасиз — бир шамаси йўқ,
Гул тутасиз — бир тамаси йўқ,
Сиз севгисиз — бир тамғаси йўқ,
Менга меҳрин тутаётганлар!

Бугун тонгда сизни кўтдим мен,
Бор меҳримни сўз-ла тўқдим мен,
Шу шеърини сизга тутдим мен,
Менга меҳрин тутаётганлар!

Сиддиқ МҮМИН

Таассурот

1988 йил, Ўзбекистон давлат санъат музейининг китоб дўконидан мутафаккир шоирнинг янги чоп этилган «Топмадим» газаллар тўплами (ғазувчи Марям Раҳматуллаева)ни харид қилдим. Шундан буён бу китоб менинг хамроҳим, сирдошим, дарддошим десам ишонаверинг. Уни тез-тез кўлга олиб, ўзим излаган рухий қувватни топгандай бўламан. Айниқса, тўпламдан жой олган, эл севган машҳур хонандалар маҳорат билан айтган кўшиқлар эътиборини тортади. Ҳақиқатан ҳам Навоий бобомиз инсон кўнглини мусаввириона идрок этиб, газалларида маҳорат билан тасвирлаган.

«Топмадим»дан санъатни топдим

Навоий санъатни, санъаткорни ниҳоятда қадрлаш билан бирга бу соҳани нозик ҳис қилиб, шеърларида табиат ва инсон руҳини мусаввир нигоҳи билан тасвирлайди. Тўғри, Навоий ўз вақтида созанда, хонанда, мусаввир, наққош, меймор, санъатшунос ҳам эди. Санъат машаққатларини бошидан кечириб, қайси рангдан қандай фойдаланиш, ранг хосияти ҳақида ҳам шеърят орқали фикр билдирган. Бу ўзига хос миллий тадқиқот бўлиб, тадқиқотлари асосида «Сабъаи сайёр» достонини яратди.

Навоийнинг санъатга иштиёқи шеърларига сингиб кетган. Ҳолбуки, биз ул зот яратган адолат тимсоли — «Занжирбанд шер» асарининг биламиз. Камолитдин Беҳзоднинг мусаввирлик даражасига етишида Навоийнинг катта хизмати бор. Жуда кўп ёшларга устозлик қилган Мирақ наққош (Камолитдин Беҳзод унинг қирқинчи шогирди эди)ни Навоий ниҳоятда ҳурмат қилган. У пайтларда мусаввир атамаси кам тилга олинди, уларни наққош деб қўя қолишган. Мирақ наққош нафақат Беҳзодга, балки Навоийга ҳам устозлик қилган бўлса не ажаб?

Эй мусаввир, дилбаримга сурати монанд қил,
Кўрмагинд хотиримни гоҳ-гоҳи хурсанд қил.
Ул ҳарир узрак тарх эттугдур ул тимсоли,
Сигмаса зайлига жоним пардасин пайванд қил.
Шоир гўё мусаввирга севган ёри суратини яратиш учун бюртма бермоқда.

Демак, ҳазрат Навоий мусаввирликка хос рангларни асосан табиат кўйида, ёрининг қийиб юрган либосларида қўриб, ранг, тасвир ҳақида фикр юритган.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
санъатшунос



Хунарманг аёллар кўллаб-қувватланмоқда

Хоразм вилоят «Хунарманг» бошқармаси томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. — Хусусан, хунарманг аёлларимизни ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга қаратилган қатор лойиҳаларни амалга ошираётимиз, — дейди бошқарма бошлиғи Баҳодир Давлетов. — Биз аёлларимизнинг ҳар бармоғи бир хунар бўлишини истаймиз ва бунинг учун қўлимиздан келганича кўмаклашамиз. Вилоятимизда 350 нафар хунарманг рўйхатга олинган бўлса, уларнинг 35 фоизи аёллардир. Бошқармамиз томонидан аёл

хунармандларимиз учун янги имкониятлар яратиш, тегишли имтиёزلардан тўлақонли фойдаланишларига кўмаклашиш борасида қатор ишлар қилинаётир. Вилоятда хунарманг аёллар ўртасида «Энг кекса хунарманг», «Энг ёш хунарманг», «Моҳир чевар кўллар» каби танловлар ўтказилиб, ғолиблар тақдирланапти. Ёш хунарманг Севинч Машариповани эндиликда нафақат вилоятда, балки республикада ҳам яхши танишади. У яратган каштачилик намуналарига чет элликларнинг ҳам қизиқиши банд.

Урганч туманидаги хунарманг аёл Зулфия Машарипова зардўз, каштачи сифатида ўтган йили Бухорода ўтказилган кўргазмада фаол иштирок этиб, соврин билан қайтган эди. Вилоятда устоз-шогирд мактабларини шакллантиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Урганчлик Олтинжон Пиримбетова, Марям Рўзметоваларнинг устоз-шогирд мактабларида ўнлаб қизлар тикувчилик, зардўзлик, каштачилик сирларидан воқиф бўлмоқдалар. «Хунарманг» бошқармаси туман, шаҳар ҳокимликлари

орқали бўш турган биноларни имтиёзли равишда ажратиш, хунармандчилик устоналарини қуриш учун ер майдонлари ажратишга ҳам кўмаклашмоқда. Мисол учун, урганчлик Гулсара Абдуллаевага гулчилик фаолиятини йўлга қўйиши учун 340 м. кв. ер майдони ажратилишига эришилди. Қўшқўрлик Гавхар Матназарова ҳам шундай имтиёздан фойдаланди.

— Аслида, аёлларимизнинг ҳаммаси хунарманд, — дейди Баҳодир Давлетов. — Биз уй бекалари учун ҳам махсус лойиҳалар ишлаб чиққанмиз. Уларнинг уйда ўтириб қолмаслиги, жамият билан фаол муносабатда бўлиши ва иқтисодий имкониятларини янада ривожлантириши учун кўмаклашяпмиз.

Муҳаббат ТҮРАБОВА,
«Ishonch» муҳбири

Маданият

Қашқадарё театрларида келажакимиз ворислари бўлган ёш томошабинларга мўлжалланган ўнлаб спектакллар намойиш этилмоқда. «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибни Элмурод Боймуродов режиссерлик қилаётган Шаҳрисабз театрида кейинги йилларда 70 дан зиёд спектакл сахналантирилди. Ушбу жамоа «Довул» ва «Фармон фермернинг саргузаштлари» сахна асарлари билан халқ теат-

рлари кўрик-танловида биринчи, иккинчи ўринларни кўлга киритганлиги ҳам тасодиф эмас. Болаларга «Дадавойнинг саргузаштлари», «Баджаҳл этган вилоят Кўғирчоқ театри эса республика кўғирчоқ театрларининг аънавий фестивалида фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Муллатўйчи Тошмуҳаммадов номли вилоят мусиқали драма театрининг «Кўнғирчоқли алдоқчи», «Сеҳрли кўнғирчоқча», «Эски масжид», «Дадамнинг деганлари», «Учта орзу», «Ботирнинг мушти — ишонган дўсти» спектакллари

ри, Шаҳрисабз шаҳар халқ театрининг «Наврўзой» эртақларини кичкинтойлар мириқиб томоша қилишмоқда. Маданият ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги вакили Муҳаббат Саидмуродовнинг таъкидлашича, Барқамол авлод йилида болажонларимиз учун сахна асарлари, кўнғилочар томошалар тайёрлашга янада катта эътибор берилди.

И.ИСОМИДИНОВ

Ўтганларнинг охири овод бўлсин
Агроекономика мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши жамоаси «Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталарининг Самарқанд вилояти бўйича муҳбири Нурилла Шамсиевга отаси **ФАҲРИДДИН** отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Жиззах вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси Республика соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг Жиззах вилоятидаги вакили Ҳамроқул Қодировга отаси **Марям ИШТАВАНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Газета haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda. «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda marba sifatida gazeta nomi ko'rsalishi shart. Mualliflari fikri bahriyot nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. (h) — Tijorat materiallari Bosilishga topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 21.00. Буюртма Г — 252 20706 nuxxada bosildi ISSN 2010-5002 1 2 3 5